

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 8-МАЙ, СЕШАНБА, 55 (7980) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган Баҳоли келishлган нархда.



Нурқобил бобо 66 йилдан буён бирга умргузаронлик қилаётган Новвоной она билан тўрт ўғил ва беш қиз ўстириб, уларнинг барчасини эл ишига камарбаста инсонлар этиб тарбиялади. Энди эса фарзандлари, неварая чеваралари ардоғида бахтиёр яшamoқда.



“Устирт” — Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик қоракўлчилик ширкат хўжалиқларидан бири. Хўжалиқда муҳим мавсум — қишлоға пухта тараддуд кўрилгани боис ноқулай об-ҳаво бўлишига қарамасдан, мавсум беталафот ўтди. Айниқса, бу борада хўжалик раҳбари Аҳмед Сулеймановнинг омилкорлиги, туман раҳбарлари ва тажрибали чўпонлар билан бамаслаҳат иш олиб бориши ўзининг ижобий самарасини берди.



Пиллачилар ипак куртининг ипак ўрашгача бўлган даврини кафдаги бир қултум сувга ўхшатишади. Наоки, сал эҳтиётсизлик билан бир ой қилинган маҳнат зое кетиши ҳеч гапмас-да. Кўп йиллик тажрибаларга суянган, соғага доир янгиликларни омилкорлик билан қўлланларнинг хирмони ҳамisha сарбаланд бўлади.

ХОТИРА БОҚИЙДИР, ҚАДР МУҚАДДАС



9 майнинг Юртбошимиз ташаббуси билан “Хотира ва қадрлаш куни” деб эълон қилиниши халқимиз дилидаги истак-хоҳишларнинг амалдаги ижобати бўлди. Ёш авлод ота-боболарининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати, бугунги тинч-осойишта кунлар учун курашгани ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони кексаларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фахрийларимиз кўрсатган жасоратни улуғлаш борасидаги хайрли ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашиқагарё Вилояти

Вилоят “Ёшлар” марказида “Мустақкам оила йили” Давлат дастури доирасида тадбиркор ва хўнараманд хотин-қизлар тажрибасини оммалаштириш, касб маҳоратини юксалтириш, уларнинг янги иш ўринлари яратишдаги фаоллигини оширишга бағишланган бизнес форум бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОР АЁЛ — ЖАМИЯТДА ФАОЛ

Унда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шaroитларини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, касаначилик, кичик бизнесни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатлари, меҳнат муҳофазасини таъминлаш лoзимлиги таъкидланди.

Тадбирда тадбиркор ва хўнараманд хотин-қизлар томонидан тайёрланган махсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Фолиблар белгиланган номинациялар бўйича рағбатлантирилди. Унга қўра, Қарши туманидан Дилдора Расуллова “Энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор аёл”, Шахрисабзлик Юлдаз Мамадиёрова ва Фазилат Кодирова “Энг кўп махсулот экспорт қилган тадбиркор аёл”, мубораклик Юлдаз Чапаева ҳамда опа-сингил Муборак ва Ойбаланд Даминовалар эса “Устоз-шогирд мактабининг ташкил этиб, энг кўп шогирд тайёрлаган тадбиркор аёл”, “Энг ёш ва янги лoйиҳа голиби” номинацияларида голиб чиқдилар.

Хусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ТУПРОҚҚАЛЪАДАН ТАРАЛГАН АСРЛАР САДОСИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Эликқалъа туманида “Асрлар садоси - 2012” фестивали бўлиб ўтди

Ватанимизнинг бой тарихи, миллий қадрият ва урф-одатларимиз бой маданий меросимиз ҳамisha бошқа халқларнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотиб келган. Чиндан-да бошқа халқларда учрамайдиган қадриятларимизга ҳавас қилса, ўрнак олса арзийди. Бу эса “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказиб келинган “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали янада ёрқинроқ намойиш бўлмоқда.

Бу гал “Асрлар садоси” Эликқалъа туманидаги тарихий Тупроққалъа ёдгорлик

мажмуасида янгради. Кўркам қиёфа касб этган қорақалпоқ диёри икки кун — 5 ва 6 май кунлари давомида ҳамюртларимиз, санъат ва маданият намояндалари, уста ва хўнарамандлар, талаба-ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан гажум бўлди. Ушбу йирик анжуманда АКШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Россия, Италия, Австрия ва Испания каби давлатлардан келган кўплаб хорижий меҳмонлар иштирок этди. Фестиваль ҳар йили мам-

лакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётгани боис унинг географияси тобора кенгайиб, ранг-баранглашиб бормоқда. Анъанавий адабиёти, удум ва анъаналарида бўлиб ўтаётгани боис унинг географияси тобора кенгайиб, ранг-баранглашиб бормоқда. Анъанавий адабиёти, удум ва анъаналарида бўлиб ўтаётгани боис унинг географияси тобора кенгайиб, ранг-баранглашиб бормоқда.



маданият фестивалининг қадим қорақалпоқ диёрида ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Қорақалпоқ халқи ўзининг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз

қалъа туманида катта тайёрлик кўрилди. Тупроққалъа ёдгорлиги атрофида уч минг ўринли амфитеатр, халқ ўйинларини ўтказишга мўлжалланган майдонлар барпо этилиб, ҳар бир вилоят вакиллари учун алоҳида ўтовлар тикилди. Анжуманда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган уста ва хўнарамандларнинг ижодига бағишланган амалий санъат кўргазма-армакиси ташкил этилди. Фестивалнинг биринчи кунини Тупроққалъа ёдгорлиги қосида халқ сайиллари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, амалий санъат ярмаркиси, миллий ўйинлар беллашувлари билан бошланди.

Ушбу маданият байрамига Нукус шаҳри ва Эликқалъа туманида катта тайёрлик кўрилди. Тупроққалъа ёдгорлиги атрофида уч минг ўринли амфитеатр, халқ ўйинларини ўтказишга мўлжалланган майдонлар барпо этилиб, ҳар бир вилоят вакиллари учун алоҳида ўтовлар тикилди. Анжуманда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган уста ва хўнарамандларнинг ижодига бағишланган амалий санъат кўргазма-армакиси ташкил этилди. Фестивалнинг биринчи кунини Тупроққалъа ёдгорлиги қосида халқ сайиллари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, амалий санъат ярмаркиси, миллий ўйинлар беллашувлари билан бошланди.

(Давоми 4-саҳифада)

Жиззах Вилояти

СОҒЛОМ БОЛА — ОИЛА БАХТИ

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазасида этиш йўлида амалга оширилётган ислохотлар йилдан-йилга изчил давом эттирилиб, соғлом болалар туллиши ҳамда уларнинг жисмонан ва маънави рақамол воёга етиши борасида хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимизнинг “Мустақкам оила йили” Давлат дастурида ҳам ёрқин ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ташаббуси билан “Мустақкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Соғлом она, соғлом бола — мустақкам оила пойдевори” мавзусида ўтказилган давра суҳбатининг мазмун-моҳияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси

билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда она ва бола саломатлиги масаласида давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, мамлакатимизнинг энг чекка гўшаларида ҳам аҳолининг, хусусан, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофазасида этишга хизмат қилувчи шифо масканлари кўпайётгани, уларни малакали шифокор-мутахассислар, замонавий тиббиёт асос-ускуналари, транспорт вазиталари билан таъ-

минлашга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди. Давра суҳбатиде сўз олган “Соғлом авлод учун” халқаро хайри-жамғармаси вилоят бўлими директори Мамлакат Арипова юртимизда она ва бола скрининг ҳамда перинатал марказларининг ташкил қилиниши шарофати билан ирсий ва туғма нуқсонлар 1,5 баравар камайганини, фертил ёшидаги аёлларнинг йилига бир марта, болаларни икки марта тиббий кўрикка жалб этилиши, турли хасталиқларга қарши эмлаш ишларининг бепул амалга оширилаётгани она-бола саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди.

— Аналик ва болалиқни муҳофазасида этиш, ҳар томонлама соғлом авлодни воёга етказишда “Мустақкам оила йили” Давлат дастурида олий мақсад ва вазифалар белгиланган, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Куроқбой Эргашев. — Бу борада Юртбошимизнинг “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий рақамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори вилоят тиббиёт ходимларининг қатъий дастуриламалга айланган. Лекин бу борада ҳали қилинадиган ишларимиз ҳам бисёр. Жумладан, ҳар йили никоҳланувчи ёшларни



олдиндан рўйхатта олиш, балоғат ёшига етмаганлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларга узилок кесил барҳам бериш борасида қишлоқ фуқаролар йиғинлари, никоҳларни қайд этувчи идоралар ва маҳалла фаоллари билан алоқаларимиз қўтилган натижани

бермаётир. Бу борада тарғибот-ташвиқ ишларини кучайтиришимиз, ўғил-қизлари воёга етган ҳар бир оилага кириб бoришимиз керак. Келдиёр ЖУРАКУЛОВ, “Qishloq hayoti” мухбири. Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат.

